ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИДА БАРКАМОЛ ШАХС ВА ИДЕАЛ ЖАМИЯТ ТАЛҚИНИ

Адиба Раҳматовна Давлатова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Махлиё Шерали қизи Ахмадалиева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада жадид драматургиясида баркамол шахс ва идеал жамият талқини масаласи қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: жадид, драматургия, жамият, баркамол шахс, маориф.

INTERPRETATION OF A PERFECT PERSON AND IDEAL SOCIETY IN JADID DRAMATURGY

Adiba Rakhmatovna Davlatova
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Mahliyo Sherali kizi Ahmadalieva
Master of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article briefly discusses the issue of interpretation of a harmoniously developed person and ideal society in modern drama.

Keywords: jadid, dramaturgy, society, harmonious personality, education.

КИРИШ

Маориф соҳасидаги ислоҳотлар ва маҳаллий нашрларнинг вужудга келишида умумтуркий халқлар билан фаол аралашув самарали таъсир кўрсатгани сингари драматургиянинг шаклланишида ҳам шу каби омиллар муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Театрнинг миллий онгга таъсирини яхши англаган зиёлилар уни “ибрат ойнаси” деб атадилар. «Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Театр – бу ибратхонадир», деб айтган фикрини эслаш ўринлидир». [1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Театрни тараққий қилмоқнинг биринчи сабаби экани тўғрисида Беҳбудий (“Тиётр надур?”), Авлоний (“Тиётр хусусида мунозара”), Тавалло (“Театр ҳақинда”, “Театрга махсус”) каби жадид зиёлилари қатор мақола ва асарлар эълон қилди. “Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва тараққиёт тантанасини орзулаган жадид зиёлилар маслак йўлидаги буюк амаллардан бири театр, деб тушундилар ва шу йўлда саъй-ҳаракат бошлаб, қисқа бир муддатда ғоят шоён самараларга етишдилар”. [2] Бир томондан, қардош халқлар театр труппаларининг ўлкамиз бўйлаб гастрол сафарлари, иккинчидан, етилган тарихий шароит туфайли ўлкамизда театр ва драматургия шаклланди. «Жадид зиёлилари орасида театру асарларини яратиш ва уни саҳнага қўйиш ҳаракати озарбайжон, татар театру труппалари ва театру асарларининг Туркистонга 1910-1912 йилларда кириб келиши билан айниқса кучайди». [3] Энди миллий театрни йўлга қўйиш, миллат руҳини, онгини ўстириш учун маиший турмушдан олиб ёзилган драматик асарлар лозим эди. Дастлабки драматик асарларда ҳам маърифат ва жаҳолат, илм ва илмсизлик масаласидан баҳс қилинди. Матбуот саҳифаларида кўтарилган ижтимоий иллатлар, жаҳолат мавзуси драмаларда ҳам қаламга олинди. Илк ўзбек жадид драмаси сифатида эътироф этилган “Падаркуш” асаридаги илм тарғиби Беҳбудий публицистикасида ҳам параллел равишда қаламга олинди. Улар орасида “Аъмолимиз ёинки муродимиз” ма қоласи алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф кеча-кундуз меҳнат ва машаққатнинг боиси келажакни таъминламоқ экани, бунинг учун тинимсиз ҳаракат лозимлигини уқтиради. Лекин бу йўлдаги саъй-ғайрат қайси мақсадга хизмат қилмоқда? Йигирма йиллаб заҳмат чекиб топилган мол-давлат уч кунлик тўй учун сарф қилинаётгани адолатданми? Қарз олиб халққа ош бериш эвазига умрбод қарздорлик тамғасини елкасига осиб яшаш қайси соғлом жамиятга хос? Исроф этилаётган ақчалар миллат болаларига, янаям аниқроқ айтганда, “замонавий кишилар”ни етиштирмоққа берилса бўлмасми? Бу каби саволлар жамият ривожига тўсиқ бўлаётган иллатларга муолажа излаётган миллатпарвар адиб изтиробларининг ҳосиласи эди. “Падаркуш” драмасида Беҳбудийнинг бу қарашлари Зиёли нутқида акс этган. Асарда Зиёли бойни дунё ўзгаришларидан огоҳ этиб, “Олими замоний бўлмоқ учун болаларни,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

аввало, мусулмоний хат ва саводини чиқариб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатурғондан сўнгра ҳукуматимизни(нг) низомли мактабларига бермоқ керакдур...Петербург, Масков дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инженерлик, судялик, илми санъат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир", - деса, муаллиф юқорида номи келтирилган мақоласида эса "талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулға ва Русия дорилфунун ва дорулсаноатлариға юборилуб диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етишдурмоқға саъй қилинсун",– деб айнан Зиёли фикрларини қайтаради. [4]

Демак, илк жадид драмаларида зиёли образи – жадидларнинг идеали даражасига кўтарилди. Миллат дардига даво изловчи бундай кишиларнинг типик образи жамиятни ислоҳ қилишга қодир кучга айланди. Негаки, миллат зиёлилари фақат катта фидойилик эвазигагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини англаб етган эдилар. Беҳбудий мақоласида "тарбиятхоналарни очмоқ учун ва ҳукумат мактабларига бола тайёр қилмоқ учун нашри маориф ёинки жамияти хайрия ва ёинки тарбияти атфол жамияти ва ё исм ила, хулоса, жамиятлар керакдур", деган хулосага келади. [5]

НАТИЖАЛАР

Номлари санаб ўтилган жамиятлар амалда миллат болаларини ўқитиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш натижасида юрт истиқболини таъминлаш масаласини дастурул амал қилиб белгилаган эди. Биринчидан, муаллиф ҳукумат мактабларига бола тайёр қилмоқ деганда зоҳиран ушбу мактабларга қарши эмаслигини изҳор қилган бўлса ҳам, ботинан душманни ўз қуроли билан маҳв этиш ғоясини кўтаради. Яъни замонавий билимларни мукаммал эгаллаш натижасида ҳукумат идораларини ўқимишли, зиёли, асосийси миллий кадрлар билан таъминлашга эришиш керак. Иккинчидан, рус-тузем мактабларида ёш авлодга сингдирилаётган ғоя нималардан иборат ва у юрт равнақига ҳисса қўшадими ёки аксинчами? Мана шу масалалар ҳақиқатини топиш учун ҳам чет тилларни, айниқса, рус тилини ўқиш, ўрганиш лозимлиги кечиктирилмайдиган вазифа сифатида кун тартибига қўйилган эди. Ушбу мақолада Беҳбудийнинг истиқлолга ишора қиладиган бирон бир жумласи кўзга ташланмайди. Афтидан, бунинг сабабини жадидчилик ҳаракатининг ҳали маърифатчилик босқичида эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Жадид зиёлиларининг тарихий-ижтимоий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

воқеалар натижасида дунёқарашида, руҳиятида содир бўлган ўзгаришлар ислоҳотчилик ғояларидан эркинлик, моддий ва маънавий баркамолликка эришиш, мукаммал жамият қуриш, ҳуқуқий тенгликка асосланган фуқаровий давлат барпо этишдек юксак ижтимоий-эстетик идеаллар томон ўсиб борди. Ҳар бир асар, у бадиий ижод турига мансубми, публицистик ёки илмийми қатъи назар, муаллиф ички “мен”и, воқеа-ҳодисаларга ёки кишиларга индивидуал муносабати ўз ифодасини топган бўлади. Ижодкор ўз дунёқараши, онг ва онг ости заҳирасидаги тушунчалардан юқори даражада ёза олмайди. Кўрган-кечирганлари, ўрганганлари ёхуд фаолиятига таъсир кўрсатган ҳолатлар натижасида маълум бир муносабат шаклланади. Субъектнинг ўрганилаётган объектга муносабатида моҳиятга қараб ижобий ёки салбий ёндашув юзага келади. Уни қониқтирмаётган воқеликлар, жамият ва инсон борлиғига нисбатан нафрат асарларда фожеавий ёки ҳажв йўли билан ифодаланиши мумкин. Ўтган асрнинг бошларида яратилган асарларнинг аксариятида мана шу жиҳатни кузатиш мумкин. Лекин асарлар тагматнида фақатгина нафрат ҳисси устунлик қилади, десак хато бўлади. Ҳажвий қаҳрамонлар муаллиф ёки бошқа образлар нутқи орқали эмас, ўз-ўзини фош этиш йўли билан юқоридаги саволнинг жавобига бир қадар ойдинлик киритади. “Падаркуш”даги бойнинг “хамбозасини кўриб халқ бетўхтов кулиши”нинг сабаби ҳам шунда. Бу образнинг зидди(антиподи) ҳисобланган Домулла ва Зиёли образларининг фикри бир нуқтада туташиб, ёзувчининг идеали – замона одамларини тарбиялаш ва миллат равнақи йўлида хизмат эттиришдек улкан ғояни ташкил этади. Шунингдек, Беҳбудий савдо эркинлиги масаласини ҳам кўтаради. Айнан шаръий билимларни чуқур эгаллаган Домулла илмсизлик натижасида савдо ишлари ҳам армани, яҳудий, ажнабийлар қўлига ўтиб кетганидан афсусланиб, бойни огоҳликка даъват этади. Буни Зиёли ҳам таъкидлаб «…илми тижорат, илми иқтисод ва бошқа илмларни ўқутмоқ лозумдир» дейди. Демак, жамиятда ҳар томонлама етукликка эришиш учун аввало билимли, маърифатли ёшларни тарбиялаш керак. Беҳбудий Зиёли ва Домулланинг нутқини асослаш учун беилмликнинг ўта салбий оқибатини тасвирлайдики, у томошобинга албатта таъсир кўрсатиши табиий эди. Таъсирнинг кучи нафақат томошобин балки, жадид ижодкорларни ҳам тўлқинлантирди. Маърифат улар интилган энг юксак маснад – идеал даражасига айланди. «Падаркуш» бошлаб берган маърифат ғояси таъсирида ўнлаб драматик асарлар яратилди ва саҳналаштирилди. Биринчидан, 1911 йилда ёзилиб, 1913 йилда Самарқандда саҳналаштирилган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

илк драматик асар оз фурсатда бутун Туркистонга ёйилди. Жаҳолат танқиди, илм тарғиби акс этган ушбу драма нафақат зиёлилар, балки бутун халқ руҳиятига таъсир кўрсатди. Гарчи Беҳбудий асар саҳналаштирилаётганда муаллифдан рухсат олиши шартлигини уқтирган бўлса-да, асарнинг турли жойларда қайта-қайта ўйналгани ҳақидаги маълумотлар янгиликка ташналикнинг ўта кучлилигидан дарак беради. Иккинчидан, драма таъсирида Абдулла Қодирий, Ҳожи Муин, Ҳамза сингари адиблар янги жанрга қўл уриб, ижодий имкониятларини синаб кўра бошладилар. Шундай қилиб, жадид драмаси шаклланиш босқичига кирди. "Амин бўлмоғимиз керакдурким, бизлар то эркак ва қиз болаларимизни биргаликда тарбия этмагунча бизлардан келажакда масъуд оилалар етишмас. Бизлар ҳеч вақт ғояи аъмолимиз бўлғон чин бахт ва саодатға, тараққий ва тамаддунға етолмасмиз".

МУҲОКАМА

Ҳожи Муиннинг яхши келажак гарови сифатида берган бу каби тавсиялари драматик асарларида батафсил ёритилди. У нинг Комилбойи ("Эски мактаб, янги мактаб") ҳам "очиқ фикрли, янги мактаб тарафдори" сифатида Беҳбудий орзуидаги Зиёли ("Падаркуш")га жуда яқин. Агар Авлоний Камол, Ҳамза Маҳмудхону Марямхонлар фожеасида ота-она ва фарзанд муаммосини кўрсатса, эски ва янги мактаблар муқоясасида Ҳожи Муиннинг ижтимоий муаммоларга муносабати акс этган. Комилбойнинг "Ҳозир Туркистонда мингларча мактаблар, юз мингларча фарзандларимиз шундоқ жоҳил мактабдорларнинг қўлларида хароб ва паришон ҳолдадирлар" (Эски мактаб мударрисига нисбатан фикри – А.Д.) деган маорифдаги турғунликдан куйиниб айтган сўзлари амалий фаолиятга айланиб, янги мактабга асос бўлади. Усули жадид мактабларида олиб борилаётган диний ва дунёвий илмлар нафақат келажак авлод, балки миллат истиқболи йўлидаги саъй-ҳаракатлардан бири экани таъкидланган. Комил – муаллифнинг эстетик идеалини белгилай олган образдир. У янгилик тарафдори. Таълим ислоҳи учун борини беришга шай. Эски мактаб мударриси Домла эса Беҳбудий Домулласининг тамоман акси, жадид мактабларига муносабати салбий. Айнан мана шу образ адиб идеали – Комилбойни янада яққолроқ тасаввур этиш имконини беради. Комилбой ҳам худди Зиёли ва Домулла («Падаркуш») каби жамиятнинг фаол аъзоси сифатида атрофида кечаётган инқирозга чора

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

истайди. «Инқироздан қутулмоқ учун биргина йўл борки, ул ҳам маориф йўлидан иборатдур. Шоҳроҳ маорифга кирмоқ учун яна бир йўл борки, ул янги мактабдур». [6]

Драмадаги муаллим образи ҳам Комилбой каби янгилик тарафдори, янги усулли жадид мактабининг ёш ўқитувчиси сифатида асарда бош қаҳрамоннинг ижобий хусусиятларини тўлдириб келади. Унинг ўзи ҳам диний ва дунёвий билимлар соҳибидир. Ёш авлодни тарбиялашга чоғланган маърифатпарварнинг ўзи ҳар томонлама комил бўлмоғи лозим эди. Асар хотимасида муаллиф бадиий ниятига эришади, яъни Комилбой эскилик тарафдори бўлган домла имомни ўзининг ҳақиқатига – жадид мактабларининг фойдали эканига ишонтиради. Драмада қаламга олинган ғоя – қадим ва жадид муоммоси жадидларнинг дастлабки асарларида барча зиёлиларни қийнаган савол сифатида ўртага ташланади. Ҳожи Муин муроса, бирлашиш йўлини танлайди. Асар якунида Комилбой ва Домла имом муносабати ҳам Зиёли ҳамда Домла образига яқинлашиб қолади. Демак, ҳар иккала адибни бир маслак, идеал бир нуқтада туташтиради. Янги мактаб очиб қатор илмли шогирдлар тайёрлаётган, эзгу ҳаракатига бошқаларни ишонтира, эргаштира олаётган бўлса-да, қилаётган ишларидан қониқмаган Комилбой: “Ҳозирча дин ва миллатим учун тилга олурлик зўр хизмат бўлмасам ҳам, лекин мундан сўнгра жоним борича бору будимни шу муқаддас йўлда сарф қилмоқ ниятидаман!”– дейди. Аввало диний, сўнгра замонавий билимлар ила қуролланган, асосийси эгаллаган илму сарватини миллат равнақига хизмат қилдиришга шай замона кишиси –илк жадид драмаларида ифодаланган эстетик идеал намунаси эди.

«Падаркуш» драмасида ҳам аслида бир оиланинг фожеаси баён этилган. Лекин унда кўтарилган масала умуммиллат турмушига алоқадор бўлгани, қолаверса, фақат жаҳолат ва маърифат тушунчалари ёритилгани учун ҳам уни биринчи гуруҳга мансуб деб топдик. Бу давр адабиётида иккинчи гуруҳга ажратганимиз, яъни ёзувчи эстетик идеали маиший турмуш ва қаҳрамонлар фожеаси фонида ифодаланган драмалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жадид зиёлилари ислоҳни аввало оиладан бошлаш лозимлиги хусусида куйиниб ёздилар. Қачонки, жамият равнақи учун билимдон, ватанпарвар ёшлар керак экан, уларга йўл ва имкон берадиган шароит ҳам даркор эди. Боланинг ўзлигини англаши, қандай инсон бўлиб вояга етишида аввало оила муҳитининг ўрни катта. Шунинг учун ҳам жадидлар (Авлоний «Оила

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

мунозараси», Ҳожи Муин «Оила тарбияси», Фитрат «Оила», Саид Аҳрорий «Оила китоби») оила хусусида ўнлаб асар ва рисолалар ёздилар.

«Падаркуш» таъсирида яратилган «Бахтсиз куёв» (Қодирий) драмасининг сюжети ҳам бевосита оилавий муаммолар билан алоқадор. Яъни ўша давр учун ниҳоятда оғир бўлган тўй олиқ-солиқлари хусусида. Драмада адиб орзусидаги муайян бир образни кўрмаймиз. Лекин оила фожеаси фонида Қодирий истаган мукаммал турмуш, тенглик масаласини англаш қийин эмас. Ўқувчида бу сезимни пайдо қилиш учун адиб бир қанча воситалардан фойдаланади. Биринчиси, элликбоши образи. Драма аввалида адиб уни ўттиз беш яшар, янги фикрли киши деб таништиради.Элликбошининг замона аҳволидан бохабарлиги Абдураҳим билан биргаликда Файзибойникига совчиликка боргандаги суҳбатда янада ойдинлашади. Яъни у Файзибойни ҳаддан ортиқ солиқ солишдан қайтаради. Чунки бўлғуси куёв етим, унинг қарз кўтармоқдан ўзга иложи йўқ. Қарз олиб тўй бериш мусулмончиликка ҳам, соғлом жамиятга ҳам хос эмаслигини ҳарчанд уқтирса-да, на жоҳил бойни, на уни қўллаб-қувватлаб турган турган илмсиз имомни мақсаддан қайтара олмайди. Элликбошининг жоҳил отани бидъатдан қайтара олмаслигининг боиси бошқа э ди. Аслида ёзувчи оқибатни тасвирлаб, кейин сабабни рўй-рост кўрсатишни ният қилган. Натижада элликбоши гувоҳлигида ёзувчи кутган фожеа содир бўлади. Яъни қарзни муддатида қайтара олмаган йигит номусга, чорасизликка чидай олмай ўзини ўлдиради, энг даҳшатлиси келин ҳам жаҳолат, бидъат қурбонига айланади. Бу жудоликка чидолмай додлаб турган Файзибойга мурожаати воситасида ёзувчи халққа, ўқувчига ҳақиқий ниятини ошкор этади. «Шариъати мустафоға бўйунсунинглар, энди кўзларингизни очинглар. Бидъат тўйға исроф бўладурғон оқчаға ўғлингизларни ўқитунглар ёки жамияти хайрияларга иона қилинглар. Ўғил ўқитмоқ яхши ҳам фарздур, тўйға исроф қилмоқ бидъатдур». Демак, элликбоши ёзувчининг маърифат идеалини ифодалашга хизмат қилган. Иккинчи восита эса бироз мукаммалроқ. Айнан Файзибой, Домла имом ва Бой образларининг танқидий қиёфаси воситасида адиб бундай кимсаларнинг зидди бўлган шахсларни орзу қилади. Яъни Файзибойнинг кибри, очкўзлиги, Домла имомнинг илмсизлиги, жаҳолати, Бойнинг рибохўрлиги танқидида аслида етимпарвар, миллатни турли бидъатлардан қайтарувчи, эл-юрт манфаатини ўйлайдиган кишиларга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

эҳтиёж масаласи турган эди. Шундай қилиб, маиший турмушдан олиб ёзилган драмалар мавзу ва сон жиҳатдан ўсиб борди.

Авлонийнинг “Биз ва Сиз”да бош қаҳрамон зиёли, европадан қайтгач, эскиликлар ҳамон давом этаётган турмушга кўника олмаётган йигит. Драмада жиддий мулоҳазалар орқали воқеалар линияси фожеага айлана боради, қаҳрамонлар тақдири аянчли хотима топади. “Биз ва Сиз”да оиладаги, турмушдаги жаҳолат, илмсизлик фош этилади. Ўн йил Европада таҳсил олиб қайтган Камол ҳам руҳий ва жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол йигит. Таҳсили давомида юртида кечаётган ўзгаришларни эшитиб, хурсанд бўлган қаҳрамон уйга қайтгач, тамоман акс манзарани кўриб қайғуга ботади. “Эмди нима қилмоқ керак?” деган савол уни қийнайди ва “...мен ўзимга лозим билдим, жазм қилдим, булар турмушида қатъий кураш ясашға. Бу курашда ё мен енгармен, ё улар” 7 [Қодирий А. Диёри бакр. Шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фельетон ва мақолалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 39.] – деган қарорга келади. Мана шу ерда адибнинг, шунингдек, бутун жадидларнинг ғоя-мақсадлари аниқлашади. Фақатгина ислоҳ йўли билан мақсадга эришиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, “Падаркуш” яратилган даврдан то 1917 йилгача ўзбек драматургияси шаклланиш босқичини бошдан кечирди. Бу босқичда муаллифларнинг эстетик идеали замон ва жамият эҳтиёжига қараб ўзгариб, барқарорлашиб борди. 1911-1916 йиллар оралиғида яратилган драмаларни таснифлаш жараёнида, ёзувчи эстетик идеали асосан уч йўналишда ифодаланганини кузатдик. Уларни таснифлаш, таҳлил этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

ХУЛОСА

1911-1917 йиллар мобайнида яратилган драматик асарларда худди шеъриятда бўлгани каби илм-маърифат тушунчаси тарғиб қилинди. «Падаркуш» (Домулла, Зиёли), «Янги мактаб, эски мактаб» (Комилбой, жадид муаллими) каби драмаларда асосан маърифатли шахс – ёзувчи эстетик идеалини белгилагани маълум бўлди. Мактабларни ислоҳ қилиш, диний ва дунёвий билимларни тенг эгаллаган очиқ фикрли ёшларни тарбиялаш, бунинг учун ота-оналарнинг ҳам замон янгиликларидан хабардор бўлиши лозимлиги ҳам акс этди. «Бахтсиз куёв» (Қодирий), «Биз ва Сиз» (Авлоний), «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» (Ҳамза), «Мазлума хотин», «Тўй» (Ҳожи Муин) каби драмаларда ёзувчи эстетик идеали маиший турмуш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00513

ва қаҳрамонлар фожеаси фонида тасвирланди. Фожеага дуч бўлган ҳар бир қаҳрамон аслида миллат ва жамиятнинг бирон бир иллатини, камчилигини ўзида ифодалади. Аксарият драмалар якунида бир хиллик, яъни фожеавий якун кўзга ташланади. Даврнинг оғирлигини, мутаассибликнинг авж олганини яққол кўрсатиш учун тўғри усул танланган эди. Ижодкорнинг ижтимоий, эстетик, ахлоқий идеали кулги воситасида англашиладиган драмалар адади ҳам кенгайиб борди. Драмаларда асосан қаҳрамонлар ўз-ўзини фош этди. Кулгили вазиятлар ва шахслар тасвири ортида аслида, ён-атрофдаги аянчли манзара турганини ижодкорлар маҳорат билан тасвирлай олди. Ифодаланаётган жоҳиллар, кўкнорихўрлар, бангилар ёзувчи идеалидаги маърифатпарвар, зиёли қаҳрамонларни тасаввур этиш воситаси эканлиги аниқланди. Бу давр драматургиясида маърифатли инсон асосий эстетик идеал сифатида ифодаланди. Чорасизликдан қутилиш, оилавий такомилга эришиш, алалоқибат миллат ва жамиятни юқори мақомга кўтариш ёзувчиларнинг муштарак эстетик идеалига айланди.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 144.
2. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 51.
3. Сотти Ҳусайн. Ҳамза Ҳакимзода. Ҳаёти ва фаолияти. Тошкент – Самарқанд, 1940. – Б.14.
4. Беҳбудий. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Маънавият, 2006. – Б.45.
5. Давлатова А.Р. Жадид адабиётида эстетик идеал талқини. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2008, Н3. 57-59 бетлар.
6. Давлатова А. Р. Дастлабки дадил қадам. Шарқ юлдузи. Тошкент, 2010. Н. 6. 76-82 бетлар.
7. Давлатова А. Р. Эътиқодга садоқат. Жаҳон адабиёти. Тошкент, 2006, 7-сон, 119-121 бетлар.
8. Давлатова А.Р. Тафаккур ва бадиий ижод уйғунлиги. Жаҳон адабиёти. Тошкент, 2007, 2-сон 159-161 бетлар.